

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 10-ҳадис

10- وَعَنْ أَبِي يَزِيدَ مَعْنِ بْنِ يَزِيدَ بْنِ الْأَخْنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ - وَهُوَ وَأَبُوهُ وَجَدُّهُ صَحَابِيُّونَ - قَالَ: كَانَ أَبِي يَزِيدَ أَخْرَجَ دَنَانِيرَ يَتَصَدَّقُ بِهَا، فَوَضَعَهَا عِنْدَ رَجُلٍ فِي الْمَسْجِدِ، فَجِئْتُ فَأَخَذْتُهَا، فَأَتَيْتُهُ بِهَا، فَقَالَ: وَاللَّهِ مَا إِيَّاكَ أَرَدْتُ، فَخَاصَمْتُهُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «لَكَ مَا نَوَيْتَ يَا يَزِيدُ، وَلَكَ مَا أَخَذْتَ يَا مَعْنُ» رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ. [1422].

10. Абу Язид Маън ибн Язид ибн Ахнас розияллоху анҳумдан ривоят қилинади:

У киши, оталари ва боболари саҳобалардан эди.

Отам Язид садақа учун бир неча динор ажратиб, уларни масжиддаги бир кишининг ёнига қўйган экан. Мен келиб, уларни олибман-да, унинг (отамнинг) олдига олиб борибман. У: «Аллоҳга қасамки, сени ирода қилмаган эдим», деди. У билан даъволашиб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига бордим. Шунда у зот: «**Эй Язид, сенга ният қилганинг. Эй Маън, сенга эса олганинг**», дедилар».

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда киши агар амали ўз иродасига хилоф чиқса ҳам ниятига яраша савоб олиши ҳақида гап кетмоқда.

Ҳадиснинг ровийлари Маън ибн Язид розияллоху анҳунинг оталари Язид розияллоху анҳу садақага маълум бир динор чиқарибдилар. Садақани ўзлари топширмасдан, биров орқали масжидга юбориб, хоҳлаган одамнинг садақа қилиб бер, деган изни берибдилар. У кишининг олдига садақа қилувчининг ўғли Маън келибди. Изн олган одам ушбу садақага Маън ҳақли деб ўйлаб, динорларни унга берибди. Маън динорларни олиб, отаси ҳузурига борибди. Гап-сўздан кейин сир очилиб, ота ўғлига, мен садақамни сенга бўлишини ирода қилмаган эдим, дебди. Орада тортишув чиқибди. Ўғил бориб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга шикоят қилибди. Расули Акрам икковини ҳам рози қиладиган гап айтибдилар. Отага ниятингга яраша савоб оласан, болага олган садақанг ўзингда қолди, дебдилар.

Қолган гаплар эса, бир оз мулоҳазаларга сабаб бўлиши мумкин. Мисол учун, нимага Язид розияллоҳу анҳу ўғли садақага муҳтож бўла туриб садақасини масжидга олиб бориб берди? Садақа ўғлининг қўлига текканини билгандан сўнг нимага норози бўлди ва ҳоказолар. Аслида нафақа вожиб бўлган кишига закот ёки садақа эмас, нафақа тўғри келади. Агар Маън розияллоҳу анҳу муҳтож бўлса, унга отасининг нафақаси вожиб бўлар эди. Бу ерда бир неча эҳтимоллар бўлиши мумкин.

Аввало, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ота-бола ўртасида зиддият қолмаслиги учун икковлари ҳам рози бўладиган гап айтган бўлишлари мумкин.

Язид розияллоҳу анҳу эҳтиёж бўла туриб ҳам садақа қилмоқни ирода қилган бўлишлари мумкин.

Манба: hadis.islom.uz

